

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

**НЕОНАТОЛОГИЯ**

мутахассислиги бўйича клиник ординатор (резидент)ни  
тайёрлаш

**ЎҚУВ (МОДУЛ) ДАСТУРИ**

**Билим соҳаси:**

Соғлиқни сақлаш

**Мутахассислик:**

Неонатология

**Тошкент 2021**

**Тузувчилар:**

Алимов А.В.	ТошПТИ, Неонатология кафедраси мудири т.ф.д., профессор,
Рахманкулова З.Ж.	ТошПТИ, Неонатология кафедраси т.ф.д. доценти
Гулямова М.А	ТошПТИ, Неонатология кафедраси т.ф.н. доценти
Насырова У.Ф.	ТҲҚМРМ, Неонатология кафедраси мудири т.ф.д.,
Ходжиметова Ш.Х	ТошПТИ, Неонатология кафедраси ассистенти

### **Такризчилар:**

Исмаилова М.А.	ТошПТИ, Неонатология кафедраси т.ф.н., доценти
Ахмедова И.М.	ТҲҚМРМ, Педиатрия ва овқатланиш кафедраси мудири, т.ф.д., профессор

Ўқув (модул) дастури Тошкент педиатрия тиббиёт институтида ишлаб чиқилган.

Ўқув (модул) дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълими муассасалараро Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил 6 октябрдаги 5-сонли баённомаси билан маъқулланган.

### **1. Мутахассисликни долзарблиги ва аҳамияти, соғлиқни сақлаш тизимидаги ўрни.**

Клиник ординатура (резидентура) – дипломдан кейинги таълим тизими

билан боғлиқ бўлган таълим, шифокорларнинг узлуксиз касбий таълим тизимининг таркибий қисмидир. Неонатология мутахассислигидан клиник ординатура (резидентура) - тиббиёт олий таълим муассасалари битирувчилари учун дипломдан кейинги ўқишни бир шакли бўлиб, ундан кейин шифокорга неонатолог малакаси берилади.

Намунавий дастур Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 20 апрелдаги ПФ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ, 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310 сонли “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора –тадбирлари тўғрисида”ги ва 2020 йил 7 апрелдаги ПҚ-4666 сонли “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорларида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида, кредит-модулли таълим жараёниға ўтиш муносабати билан, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 12 августдаги 209-сонли “Тиббиёт ва фармацевтика олий ва ўрта махсус касб хунар таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш бўйича меъёрий хужжатларни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғи ЎзР Президентининг 30.10.2020 йилдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6099-сон Фармони; ЎзР Президентининг 10.11.2020 йилдаги “Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4887-сон қарори;

ЎзР ВМнинг 19.11.2020 йилдаги №735-сонли “Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини оширишға доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сонли “Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари асосида ишлаб чиқилган. Дастурда лаборатория ишида шошилиш ёрдам масалаларини ташкил қилишға ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Ушбу ўқув дастур кундузги таълим шаклдаги 2 ўқув йилиға мўлжалланган ва кредит-модул тизими асосида тузилган. Дастурда мутахассис-неонатолог аҳолиға неонатол ёрдамни ташкиллаштириши, мустақил ва самарали фаолият юритиши учун барча тегишли назарий билим, кўникма ва компетенцияларни эгаллаш учун етарли ҳажмдаги вазифалар ўз аксини топган.

Ўқишни биринчи йилида клиник ординатор (резидент) томонидан неонатология тарихи, чақалоқлардаички органларинианатомик, функционалхусусиятлари ва текшириш усуллари, уларни хусусиятлари.янги туғилган чақалоқларни парваришлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш.

Ўқитишнинг иккинчи йилида клиник ординатор (резидент) неонатал

даврдаги кенг тарқалган касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича шифокорларнинг таълимини қамраб олади. Маълумотлар, кўникмалар, амалий кўникмалар малакали шифокор-неонатолог томонидан тартибга солинади. Дастурда неонатологияла шошилиш ёрдам ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

2 йиллик ўқиш даврида клиник ординатор (резидент) асосий мутахассислик модуллардан ташқари умумметодологик ва номутахассислик ёндош тиббий модулларини, ёндош клиник мутахассисликлардан болалар неврология, болалалар хирургияси бўйича ҳам бир қатор билимларни ўзлаштириши кўзда тутилган.

Республикамизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган қатор ислохатларни ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни инобатга олган ҳолда ушбу модул дастурида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, неонатал даврдаги чакалоқларда касалликларини олдини олиш, замонавий диагностика ва турли хил касалликларни даволашни юқори технологияли усулларини қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилган.

Неонатал даврда чакалоқларда турли касалликларини реабилитация муолажаларида ишлатиш каби мавзулар ёритилган.

Бундан ташқари дунёвий ва маҳаллий эпидемиологик ҳолатни инобатга олган ҳолда, юқумли бўлган касалликларда неонатолог-шифокор тактикаси, юқумли бўлган беморлар билан ишлаш, диагностика ва даволаш хусусиятлари, неонатал бўлимларни иш фаолиятини мослаштириш, хусусий химоя қоидаларига риоя қилиш, ишлатилган буюмларни зарарлантириш каби саволларга алоҳида мавзулар ажратилган.

Клиник ординатор (резидент)ни ўқитиш жараёнида янги педагогик технологиялар ва масофавий таълимдан кенг фойдаланиш кўзда тутилган.

Ўқув дастури “Неонатология” мутахассислиги бўйича “ Даволаш иши”, “Тиббий-педагогика” ва “Педиатрия иши” йуналишидаги олий тиббиёт факультетлари бакалаврият базаси учун мўлжалланган.

## **2. Ўқув (модул) дастурининг мақсади ва вазифалари**

**2.1. Ўқув (модул) дастурининг мақсади** - перинатал марказ, туғруқхоналар, шифохонада мустақил, профессионал фаолиятга қодир бўлган замонавий талабларга жавоб берадиган, етарли даражада билим ва амалий кўникмага эга, илғор инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда изланувчан юқори малакали мутахассисларни тайёрлашдан иборат.

### **2.2. Ўқув (модул) дастурининг вазифалари:**

- Неонатолог шифокорнинг соғлиқни сақлашни ташкил этиш, неонатологнинг ҳуқуқий ва қонунчилик базаси масалаларида эркин ҳаракат қилишига имкон берадиган касбий вазифалари, кўникмалари ва касбий малакасини аниқлаш, шифокорда кенг кўламли, фундаментал ва махсус тиббий билимларни шакллантириш ва такомиллаштириш.

- Неонатологни мураккаб патологияларда клиник фикрлай оладиган, тегишли фанлардан чуқур билимга эга кадр қилиб тайёрлаш ва неонатология соҳасидаги янги технологиялар ва техникани ривожлантиришда кўникмалар ҳосил қилиш.

- Мустақил холда маҳоратли ташхислай ва даволай оладиган, тўлиқ тиббий ёрдам кўрсата оладиган, янги туғилган чақалоқлар ва болаларнинг ҳаёт ва соғлиғини сақлаб қолиш учун профилактика ва реабилитация тадбирларини амалга оширишга қодир бўлган, касбий вазифаларини мустақил холда муваффақиятли ҳал эта оладиган неонатолог тайёрлаш.

- Шошилиш ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалий кўникма ва соҳасига оид тиббий муолажа ўткази оладиган неонатолог шифокори-мутахассисини тайёрлаш.

***Клиник ординатуранинг ўқиш вақтида ординатор қуйидагиларни бажариши керак:***

- стационар қабул қилиш бўлимида янги туғилган чақалоқларни мудатига етмай туғилган чақалоқларни муваффақиятли равишда тиббий кўриқдан ўтказиш;
- янги туғилган чақалоқларни ва мудатига етмай туғилган чақалоқларни керакли даволаш, ташхислаш ва реабилитация қилиш тадбирлари мажмуини тузиш ва амалга ошириш;
- клиник, патологоанатомик конференцияларда, оғир ва диагностик беморлар клиник муҳокамаларида иштирок қилиш;
- кўшимча тадқиқот усуллари (клиник, биокимёвий таҳлиллар, ЭКГ, ультратовушли текширув (УТТ) хулосалари, эндоскопия, рентгенограммалар ва ҳ.к.) натижаларини баҳолаш ва изоҳлаш;
- “мавзу” беморларини таҳлил қилиш;
- профессорлар ва доцентлар томонидан беморларни кўриб, айланиб чиқишда қатнашиш;
- мутахассис-консультантлар томонидан амалга ошириладиган беморлар текшируви ва манипуляцияларида иштирок қилиш;
- амбулатория карталари, касаллик тарихи, статистик талонларни ва бошқа тиббий шифокорлик ҳужжатларини тўлдириш.
- COVID-19 инфекция билан касалланган чақалоқларни олиб бориш.
- Неонатологияда самарали ҳалқ таъбири билимларидан фойдаланишни билиш;

***2.3. Ёндош клиник фанлар бўйича шифокор-неонатологдан кутилаётган натижалар:***

Клиник ординатура (резидентура)да ўқиш тугагандан сўнг клиник ординатор (резидент)да қуйидаги билим, маҳорат ва малакаларга эга бўлиши керак.

-соғлиқни сақлаш соҳасида Давлат сиёсати ва унинг амалга оширилишида барча бошқарув органларининг масъулияти ҳақида;

-Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни ривожланиш стратегияси ва бошқарув тузилмаси (концепция, тамойиллар, асосий йўналишлари, стандартлари, истиқболлари) ҳақида;

-соғлиқни сақлаш тизими ва уларда олиб борилаётган ислохотлар ҳақида;

-соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш ва молиялаш, фуқаролар тиббий суғурта қилинишини қатъий белгиловчи қонун ҳужжатларининг асосий қоидалари;

-неонатал шифокорига малакавий талаблар, унинг ҳуқуқлари ва вазифалари, давлат, нодавлат даволаш-профилактика муассасаларида ва суғурта компанияларида ишни ташкиллаштириш тамойиллари ҳақида **тасаввурга эга бўлиши.**

-неонатолог шифокорининг малакавий тавсифи билан назарда тутилган ҳажмда тиббий-санитария ёрдамини кўрсатишда профилактика чора-тадбирларини ўтказиш ва даволаш-ташхислаш жараёнини ташкиллаштириш;

- неонатал давридаги чақалоқларда неврологик белгиларини клиник - неврологик кўрикдан ўтказишни;

-неонатал давридаги касалликларининг эпидемиологияси, этиологик ва таҳдид омиллари, патогенезининг замонавий теорияси, таснифи, кечишининг клиник вариантлари, даволашнинг ҳар хил босқичларида дифференция-ланган комплекс терапия, асоратларини даволаш, бирламчи ва иккиламчи профилактикасини ўтказишни;

-соғлом турмуш тарзини шакллантириш, беморларнинг вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлиги экспертизасини ўтказиш, шифокорлик этикаси ва тиббий деонтология қоидаларига риоя қилиш ҳақида **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

-давлат ва нодавлат тиббиёт муассасалари, маҳаллий соғлиқни сақлаш органлари, тиббий суғурта ташкилотлари билан меҳнат шартномаси (контракт) тузиш, тиббий фаолият турини амалга ошириш лицензияларини олиш учун аризалар ёзиш;

-“Неонатология” ихтисослиги бўйича малака тоифасини олиш учун аттестацион комиссияга керакли ҳужжатларни тайёрлаш;

ихтисослик бўйича кундалик ишларни ташкиллаштириш ўтказиш

- кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш мақсадида клиник аудит ўтказиш **малакаларига эга бўлиши керак.**

### **3.Асосий қисм**

**3.1.Модулдаги маъруза мавзулотлари мавзулари ва мазмуни,ташқил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:**

#### **Мутахассислик модуллар**

##### **1 - ўқув йили**

<b>№</b>	<b>Мавзулар номи</b>	<b>Соат/кредит</b>
1	Неонатологияда долзарб муаммолар	
2	Чақалоқларни парваришлаш тамойиллари	
3	Чақалоқлар асфиксия. Янги туғилган чақалоқлар реанимацияси тамойиллари.	
4	Кўкрак билан озиқлантириш тамойиллари	

5	Янги туғилган чақалоқларда туғруқ жарохатлари.	
6	Кам вазнли чақалоқлар	
7	Муддатига етмай туғилган чақалоқларнинг физиологияси ва патологиясининг хусусиятлари.	
8	Неонатал даврда озуқавий қўллаб қувватлаш хусусияти	
	<b>Жами 1 йилда:</b>	<b>18/0,5</b>

## 2 - ўқув йили

№	Мавзулар номи	Соат/кредит
1	Янги туғилган чақалоқларда РДС	
2	Кўкрак билан озиқлантириш қоидалари	
3	ЯТЧ сепсиси.	
4	Ҳомила ичи инфекциялари хақида замонавий тушунчалар.	
5	ЯТЧда сарикликни қиёсий ташхисоти.	
6	Неонатал даврда кардиологиянинг долзарб муаммолари.	
7	ЯТЧда гемморагик синдромнинг ташхисотдаги қийинчиликлари.	
8	Реанимация талаб қиладиган чақалоқларнинг фавқулоддаги ҳолати.	
9	ЯТЧда жаррохлик аралашувини талаб қиладиган фавқулодда вазиятларнинг клиникаси ва ташхисоти.	
	<b>Жами</b>	<b>18/0,5</b>
	<b>Жами: 2 йилда:</b>	<b>36/1,0</b>

Маъруза машғулотлари мультимедияли кўрсатмалар (презентация, видеофильм, видеоролик ва ҳ.к) билан таъминланиши шарт. Маъруза ўтказиладиган аудитория мультимедия қурилмалари билан жиҳозланган бўлиб, клиник ординатор (резидент)ларга барча шарт-шароитлар яратилган бўлиши шарт. Маърузаларда мавзуга боғлиқ замонавий ва исботланган тиббиётга асосланган маълумотлар келтирилиши мақсадга мувофиқ.

**3.2. Модулдаги семинар ва амалий машғулотларнинг мавзулари, ҳар бир мавзу бўйича ўқув юкларининг ҳажми ташкил этиши бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:**

№	Модул ва амалий (семинар) машғулотларнинг мавзулари	Соат/ кредит
	<b>Неонатология</b>	<b>4270/118,6</b>
<b>(1 Модул)</b>	<b>Акушерлик ва гинекология</b>	
1.1.	Ҳомила физиологияси. Она-плацента-ҳомила функционал тизими.	
1.2.	Самарали перинатал парвариш. Хавфсиз оналик.	
1.3.	Перинатал хавф омиллари. Экологик ва ишлаб чиқариш омиллари. Генетика хавф омиллари. Ҳомиладорлик пайтида фармакотерапия. Онанинг эмизиш давридаги фармакотерапия.	
1.4.	Ҳомила, плацента ва хомила атрофии қобилини патологиясининг пренатал ташхисоти. Ҳомила ва фетоплацентар тизим ҳолатини баҳолаш усуллари.	
1.5.	Ирсий касалликлар ва хомила ривожланиш нуқсони ташхиси. Амниотик суяқликнинг патологияси.	
1.6.	Ҳомиладор аёллардаги экстрагенитал касалликлар. Юрак-қонтомир тизимининг касалликлари. Буйрак касаллиги. Жигар асаллиги. Эндокринопатия.	
1.7.	Туғруқ физиологияси. Туғруққа физио-психопрофилактик тайёргарлик. Туғруқ арафасида хавф омилларини баҳолаш.	
1.8.	"Оддий туғруқ" тушунчаси. Тез кечар туғруқ тушунчаси. Физиологик туғруқ Олиб бориш тактикаси. Ҳомила ва чақалоқ учун ҳомиладорликни ва туғруқнинг ўта хавфли кечиши.	
1.9.	Туғруқ жараёнида аёлнинг ва хомиланинг ҳолатини кузатиш (ултратовуш, юрак мониторинги). Экологик ишлаб чиқариш хавф гуруҳига кирувчи хомиладорларни текшириш ва ўрганиш.	



1.10.	Ҳомила патологиясини олдини олишда овқатланишнинг ўрни. Плацента етишмовчилиги. Муддатидан аввал туғишнинг олдини олиш ва уларни бошқариш. Перинатал хавф гуруҳига кирувчи ҳомиладор ва туғувчи аёлларни хусусиятлари.	
1.11.	Оператив кесарча кесишнинг перинатал жиҳатлари. Патологик туғрук, операция, ва унинг ҳомилага таъсири. Туғруқнинг жараёнининг заифлиги. Қон кетиши	
<b>2.1. (2 Модул)</b>	<b>Янги туғилган чақалоқ.</b>	
2.1.	Янги туғилган чақалоқларда перинатал давр мобайнидаги касалликлар ва ўлимнинг таркиби. Қарорлар (№ 500, № 472, № 42). Давлат дастурлари. Ўлим кўрсаткичлари. Неонатологияда ятрогения.	
2.2.	Янги туғилган чақалоқларнинг анатомик ва физиологик хусусиятлари. Клиник текширишнинг хусусиятлари	
2.3.	Янги туғилган чақалоқларда эрта неонатал мослашув ва чегаравий ҳолатлари.	
2.4.	Туғрук ва туғруқдан кейинги даврда соғлом туғилган чақалоққа БЖССТ томонидан тавсиясига биноан тиббий ёрдам кўрсатиш	
2.5.	Янги туғилган чақалоқнинг етуклигини баҳолаш. Кўкрак сути билан озиқлантириш (БЖССТ). Янги туғилган чақалоқларни эмлаш. ВОЗ)	
<b>2.1 (3 Модул)</b>	<b>Муддатидан аввал туғилган чақалоқлар.</b>	
3.1.	Муддатидан аввал туғилган чақалоқлар. Муддатидан аввал туғилишнинг сабаблари, муддатидан аввал туғилган чақалоқларнинг анатомик ва физиологик хусусиятлари (АФХ).	

3.2.	Муддатидан аввал туғилган чақалоқлар ва кичик вазн билан туғилган чақалоқларнинг парвариш қилиш тамойиллари.	
3.3.	Физиологик етилмаган чақалоқларни тўғри озиклантиришнинг моҳияти. Озиклантириш усуллари. Парентерал ва энтерал озиклантириш (БЖССТ). Озиклантиришни ҳисоблаш.	
3.4.	Муддатидан аввал туғилган чақалоқлар ретинопатияси. Неонатологияда оғриқ ва аналгезия.	
3.5.	Хомила ривожланишдан ортда қолиши. Туғма нуқсонлар ва генетик синдром. Хромосома касалликлари: Доун синдроми, Эдвардс, Патау, Шерешевский-Тёрнер. Туғма ривожланиш нуқсони. Деформациялар.)	
<b>2.1 (4 Модул)</b>	<b>Янги туғилган чақалоқларнинг гипоксик ҳолати ва уларни бартараф этиш усуллари</b>	
4.1.	Хомила ичи гипоксияси, туғруқ пайти асфиксия. Хомила ва янги туғилган чақалоқларда кузатилувчи ўткир ва сурункали гипоксия тушунчаси. Хомиланинг сурункали гипоксиясинингсабаблари.	
4.2.	Патогенез. Сурункали гипоксияни пренатал аниқлаш усуллари.	
4.3.	Асфиксия. Клиник белгилари. Апгар шкаласи.	
4.4	Янги туғилган чақалоқлар реанимацияси. (ЯЧТР, БЖССТ). Дорилар билан даволаш.	
4.5.	Асфикиядан кейинги синдром. Асфиксиянинг асоратлари. Ташхислаш, даволаш, парвариш қилиш.	
4.6.	Янги туғилган чақалоқларда фавқулодда вазиятда реанимация ва интенсив ёрдам кўрсатиш	

<b>2.1.</b> <b>(5 Модул)</b>	<b>Янги туғилган чақалоқлар туғруқ жароҳатлари</b>	
5.1.	Юмшоқ тўқималар, суяклар, ички органларнинг туғруқ жароҳатлари.	
5.2.	Бош мия ва ўмуртқа поғонасининг туғруқ жароҳатлари.	
5.3.	Марказий нерв тизимининг перинатал зарарланиши. Мия ичи қуйилиши. Мияишемияси.	
5.4.	Орқамиянинг интранатал шикастланиш	
<b>2.1.</b> <b>(6 Модул)</b>	<b>Янги туғилган чақалоқлар патологияси. Янги туғилган чақалоқларда ошқозон-ичак тракти касалликлари</b>	
6.1.	Янги туғилган чақалоқлар ошқозон-ичак трактининг анатомик-физиологик хусусиятлари. Овқат ҳазм қилиш тизимининг функционал ва органик бузулишлари. Қусиш ва қайт қилиш синдроми.	
6.2.	Иккиламчи симптоматик қусиш. Қусиш синдромининг асоратлари. Дисбиоз. Ўзига хос кечиши.	
6.3.	Некротик энтероколит даволаш. Малабсорбсия синдроми. Овқат ҳазм қилиш тизимининг туғма патологияси	
<b>2.1.</b> <b>(7 Модул)</b>	<b>Нафасолиштизимининг касалликлари</b>	
7.1.	Янги туғилган чақалоқлар нафас олиш органларининг анатомик ва физиологик хусусиятлари. Янги туғилган чақалоқларда нафас олиш бузилишининг (НОБ) синдроми.	
7.2.	Катталар типда НОБ ва бошқа ҳолатлар. Катталар типда НОБ. Ўпка шиши. Ўпкага қон қуйилиши. Ҳаво оқими синдроми (ҳаво	

	ҳаракатининг тўсилиш синдроми). Ўпка гипертензияси.	
7.3.	Янги туғилган чақалоқларда хомила ичи пневмонияси. Сурункали нафас йўллари касалликлари. Бронх-ўпка дисплазияси, сурункали ўпка етишмовчилиги (СЎЕ). Янги туғилган чақалоқларда апное.	
<b>2.1. (8 Модул)</b>	<b>Янги туғилган чақалоқлар гипербилирубинемияси</b>	
8.1.	Ҳомила ва чақалоқнинг гемолитик касаллиги. Янги туғилган чақалоқнинг ирсий гемолитик анемияси.	
8.2.	Гепатоцит функциясининг бузилиши туфайли келиб чиқадиган сариқликлар. Криглер-Нажар синдроми. Дубин-Жонс ва Ротор синдроми. Жилберт синдроми. Она сутидан юзага келувчи сариқлик.	
8.3.	Чақалоқлар гепатити. Обструктив (механик сариқлик). Сафро йўлининг атрезияси ва гипоплазияси.	
<b>2.1. (9 Модул)</b>	<b>Юрак касалликлари</b>	
9.1.	Неонатал даврда кардиологиянинг долзарб муаммолари. Цианоз. Юрак аритмиялари, юрак етишмовчилиги.	
9.2.	Шок. Ўтувчи қон айланишининг ўткинчи бузилиши. Миокардит. ТЮН.	
<b>2.1. (10 Модул)</b>	<b>Янги туғилган чақалоқларда гемморрагик бузилишлар</b>	
10.1.	Янги туғилган чақалоқларда анемиянинг хусусиятлари ва клиник белгилари. Пост-гемморрагик анемия. Анемия, гипо- ва апластик. Муддатидан аввал туғилганлар анемияси. Нейтропения.	

10.2.	Янги туғилган чақалоқларда гемостазнинг физиологик хусусиятлари. Диссемиранган томир ичи ивувчанлик синдроми. Тромбоз ва эмболия. Янги туғилган чақалоқлар геморрагик касаллиги. Тромбоцитопения.	
<b>2.1. (11 Модул).</b>	<b>Янги туғилган чақалоқларда буйрак ва сийдик тизими касалликлари.</b>	
11.1	Неонатал даврда нефрология муаммоларининг долзарблиги. Неонатал даврда буйрак функцияси шаклланишининг хусусиятлари. Наслий буйрак касаллиги.	
11.2.	Туғма нефротик синдром. Обструктив уропатия, кистали буйрак дисплазия. Ортирилган буйрак ва сийдик йўллари касалликлари. Юқумли ва яллиғланиш касалликлар. Янги туғилган чақалоқларда артериал гипертензия.	
<b>2.1. (12Модул).</b>	<b>Янги туғилган чақалоқларда тери ва тери ости ёғ тўқимасининг касалликлари ва киндик тизимчаси касалликлар, киндик яралари ва киндик томирлари.</b>	
12.1.	Туғма ва ирсий тери касалликлари. Тери ва тери ости ёғ тўқимасининг ноинфекцион ва инфекцион касалликлари. Янги туғилган чақалоқларда маҳаллий йирингли яллиғланишли. Омфалит. Везикуло пустулёз. ЯЧТларда эпидемик пуфакча. Пиодермия. Янги туғилган чақалоқларнинг флегмонаси	
12.2.	Киндик тизимчаси касалликлар, киндик яралари ва киндик томирлари. Киндикнинг инфекцион ва ноинфекцион касалликлари: омфалит, тромбофлебит, киндик томирларининг артериялари, киндик тизимчасининг гангренаси.	
<b>2.1. (13 Модул).</b>	<b>Хомила ичи инфекциялари</b>	

13.1.	Янги туғилган чақалоқларда бактериал сепсис. Сепсис касаллиги кечишининг хусусиятлари. Ташхис. Даволашнинг замонавий принциплари. Неонатал даврда антибиотиклар билан даволаш. Янги туғилган чақалоқларда ишлатиладиган антибиотикларнинг асосий гуруҳлари. Бошқа химио терапевтик воситалар. Ножўя таъсирлари.	
13.2.	Туғма вирусли инфекциялар: цитомегаловирус инфекцияси. Герпетик вирусли инфекция. Қизилча. Эпидемик паротит. Туғма вирусли инфекциялар. Энтеровирусли инфекция. Сувчечак. Гепатит. Нафас олиш йўллари инфекциялари.	
13.3.	Бошқа туғма инфекцион ва паразитар касалликлар: Токсоплазмоз. Листерия. Хламидия. Микоплазма. Туғма сифилиз. Инсоннинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ) сабабли келиб чиқадиган касаллик. Инсон иммунитет танқислиги вирусининг онадан болага ўтишининг олдини олиш	
13.4.	Интранатал бактериал инфекциялар. Туғма туберкулёз. Кандидоз. Туғма ва орттирилган. Тизимли ва виссерал.	
<b>2.1. (14 Модул).</b>	<b>Янги туғилган чақалоқларда инфузион даво ва парентерал озиклантириш</b>	
14.1.	Янги туғилган чақалоқнинг суюқликка бўлган физиологик эҳтиёжи. Янги туғилган чақалоқларда инфузион давога кўрсатма. Янги туғилган чақалоқларда суюқлик бўлган эҳтиёжини белгиловчи омиллар. Инфузион давони ҳисоблаш.	
14.2.	Янги туғилган чақалоқларда парентерал озиклантириш кўрсатма. Янги туғилган чақалоқларда парентерал озиклантириш принциплари. Глюкоза, аминокислоталар ва ёғ эмульсияларини ҳисоблаш. Парентерал	

	озиклантиришнинг потенциал асоратлари ва ножўя таъсири.	
<b>2.1. (15 Модул).</b>	<b>Янги туғилган чақалоқларда эндокринопатия</b>	
15.1.	Туғма гипотиреоз, тиреотоксикоз, гиперпаратиреоз. Ўтиб кетувчи эндокрин бузилиш. Диабетик фетопатия. Янги туғилган чақалоқлар диабет касаллиги.	
15.2.	Хомилага ва янги туғилган чақалоқларга хос бўлган углевод алмашинувининг ўтиб кетувчи бузилиши. Буйрак усти безининг касалликлари. Жинсий фарқланишни бузилиши.	
<b>3.</b>	<b>Ёндош мутахассислик модуллар</b>	<b>216/6</b>
3.1.Модул	Болалар неврологияси	144/4
3.2.Модул	Болалар хирургияси	72/2
<b>1.</b>	<b>Умумметодологик ва номутахассис ёндош тиббий модуллар</b>	<b>54/1,5</b>
1.1.Модул	Валеология	27/0,75
1.2.Модул	Клиник фармакология	27/0,75

Амалий (семинар) машғулотлари мультимедияли кўрсатмалар (презентация, видеофильм, видеоролик ва ҳ.к) билан таъминланиши шарт. Машғулот ўтказиладиган аудитория мультимедия қурилмалари билан жиҳозланган бўлиб, клиник ординатор (резидент)ларга барча шарт-шароитлар яратилган бўлиши шарт.

Машғулотларга тайёрланиш учун клиник ординатор (резидент)ларга мавзуга боғлиқ замонавий ва исботланган тиббиётга асосланган маълумотларни олиш учун ўқув адабиёт ва интернет манбалари педагог томонидан берилиши мақсадга мувофиқ, ахборот технологияларидан фойдаланиш йўллари ва услублари кўрсатилади.

Машғулотдан олдин педагог клиник ординатор (резидент)ларга машғулотни мақсадини аниқлаб берилади, машғулот вақтида инновацион педагогик технологиялар қўлланилади. Мавзу бўйича клиник ҳолатларни ўзлаштириш учун вазиятли ва клиник муаммоларга йўналтирилган вазиятли

масалалар, кейслар ечиш, органайзерлар тузиш, диагностика ва даволаш протоколларини (алгоритмларни) ўрганиш ва такомиллаштириш, касаллик тарихини таҳлил қилиш, презентация тайёрлаш ва бошқа турдаги ишларни амалга ошириш мумкин. Эгаллаган билимларни намоиш этиш учун тест синовларини ҳам ўтказиш мумкин.

Машғулот якунида ҳар бир клиник ординатор (резидент) тасдиқланган мезонлар асосида баҳоланади.

### ***3.3. Мутахассис ўзлаштириши лозим бўлган амалий кўникмалар рўйхати:***

- ЯТЧнинг оналари билан малакали интервью
- ЯТЧларни мукамал клиник текширув ва неврологик текширувдан ўтказиш
- Неонатология амалиетида керакли даволаниш хажмини ва миқдорини ниқлаш
- ЯТЧда керакли тиббий манипуляцияларни мустақил бажариш кўшимча тадқиқот натижаларини изоҳлаш (лаборатор, функционал, гормонал, эндоскопик, рентген- радиологик, иммунологик, микробиологик, морфологик)
- ЯТЧлар касалликларини поликлиника, туғруқ мажмуаси, ихтисослашган кафедралар, туғруқдан олдин ва муддатига етмай туғилган чақалоқларни парвариш қилиш бўлими, интенсив терапия бўлимларида мустақил равишда, комплекс тарзда даволаш
- ЯТЧнинг ахволини яхшилаш бўйича тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш;
- ЯТЧда бирламчи реанимацияни ўтказиш;
- ЯТЧда обектив курувни ўтказиш
- ЯТЧда огирлик ҳолатини баҳолаш
- Диагноз куйиш, касални олиб бориш тактикасини билиш
- Касалликни қиёсий ташхисоти
- Тиббий хужжатларни тулдириш
- Аппаратурани ишлатиш
- ЯТЧ ва муддатига етмай туғилган чақалоқларни озиклантириш
- ЯТЧларда инфузион терапияни ўтказиш
- Антибактериал терапияни ўтказиш
- Инструментлар, аппаратураларни стерилизация қилиш
- Перинатал ва неонатал улим анализларини қилиш
- Ҳомиладор, туғган ва касалларни госпитализация қилиш
- Ҳомиладорлик хавф омилларини аниқлаш ва олдини олиш
- Ҳомила юрагини эшитиш
- Тана вазнини улчаш
- Ҳомиладорни туғиш вақтини ҳисоблаш
- Қиндан суртма олиш
- Она ва ҳомиланинг текширув усулларини, фетаплацентар тизим ҳолатини урганиш асоратларини топиш ва профилактика қилиш;
- Туғруқда қатнашиш
- УТТни изоҳлаш



- ЯТЧни Апгар, Даунс ва центил бўйича баҳолаш.
- ЯТЧда етуклик даражасини баҳолаш
- Экстремал кам ва жуда кам вазнли болаларни даволашни билиш;
- ЯТЧ ва муддатига етмай туғилган чақалоқларни кўкракка қўйиш ва озиклантириш
- Хар хил патология бўйича хавф даражасини аниқлаш
- ЯТЧларни транспортировка қилишда реанимацион бригадани тузиш
- Реанимацион ёрдам кўрсатиш
- Эндотрахеал санация
- Трахея ва асосий бронхлар санацияси
- Ларингоскоп ва эндотрахеал интубация
- Экстубация
- Юракнинг ёпиқ массажи
- Инфузион терапияни хисоблаш
- Киндик венаси катетеризацияси
- Қон йиғиш техникаси ва текшируви
- Сийдик қопи катетеризацияси
- Ошқозон ичак катетеризацияси
- Тозаловчи хукна қилиш техникаси, газ ўтказувчи найча қўйиш хникаси
- Қонни алмашлаб куйиш ўтказиш техникаси
- Люмбал пункция қилиш техникаси
- Кувезни ишлатиш, оксигенотерапия техникаси
- Тўғри ларингоскопия ўтказиш техникаси
- Трахея интубацияси
- Трахеобронхиал дарахт санацияси
- Нафас бериш техникаси
- ЎСВ ўтказиш техникаси
- эндотрахеаль сурфактант юбориш техникаси
- Электрон мониторинг ўтказиш техникаси
- ЯЧТ ва муддатига етмай туғилган чақалоқларда энтерал озикланишни ўтказиш техникаси.
- ЯТЧ ва муддатига етмай туғилган чақалоқларда парентерал озиклантиришни ўтказиш
- ЯТЧда неврологик статусни ўсишини ривожланишини билиш;
- ЯТЧда ўлим ҳолатларини изохлаш
- Неонатал хизматларни асосий кўрсаткичларини тахлил қилиш
- ЭКГни ўтказиш ва ўқиш.

#### **4.Мустақил таълим ва мустақил иш, ташкил этишбўйича умумийкўрсатма ва тавсиялар**

##### **4.1. Мустақил таълим учун мавзулар рўйхати:**

- Неонатологияда асосий деонтология
- ЯТЧда психомотор ва жисмоний ривожланишни физиологик жихатлари
- ЯТЧда анатомио-физиологик жихатлар

- Муддатига етмай туғилган чақалоқларда морфо-функционал жихатлар
- ЯТЧнинг функционал ҳолатларини аниқлаш
- Ҳомила ва ЯЧТ улкасидаги қон айланиши
- ЯТЧ реанимациясида ахлокий қоидалар
- ЯТЧда билирубин алмашинуви
- Қон физиологияси. Қон гуруҳи. Резус фактор
- ЯТЧда хазм қилиш тизимининг анатомо-физиологик аспекти
- Нафас тизими онтогенези
- ЯТЧда нафас тизими анатомо-физиологик асослари
- Патологик туғруқ ва унинг ҳомилага таъсири
- ЯТЧда бош мия ва орқа миyanинг анатомо-физиологик асослари
- ЯТЧда гемоликвородинамика, Орқа мия суюқлиги таркиби асослари
- ЯТЧда терининг гистологик асослари
- ЯТЧда киндикнинг ноинфекцион касалликлари
- ЯТЧда сепсис кўзгатувчисининг микробиологик характеристикаси
- TORCH инфекция эпидемиологияси
- ЯТЧ гемостази физиологик асослари
- ЯТЧда хазм қилиш тизимининг анатомо-физиологик асослари
- ЯТЧда сийдик айириш тизими анатомо-физиологик асослари
- ЯТЧда юрак-қон томир тизимининг анатомо-физиологик асослари

#### **4.2. Тавсия этилаётган мустақил иш турлари, шакллари:**

- Мустақилишқуйидаги иш турлари ва шаклларда олиб борилади:
- амалий кўникмаларни тренажёр, муляж ҳамда симуляцион ҳоналарда (марказларда) сон ва сифат жиҳатдан бажариш ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш кундалигида акс эттириш;
- клиник базаларда навбатдчи шифокор билан биргаликда кўшимча тунги навбатчилик туриш ва унинг назоратида амалий кўникмаларни сон ва сифат жиҳатдан бажариш, навбатчилик дафтарларида акс эттириш;
- профилактик кўрикларда, тиббий кўрикларда ва беморларнинг патронажида мустақил иштирок этиш;
- аҳоли ўртасида тиббий санитария-маърифий ишларни мустақил равишда олиб бориш;
- компьютер дастурларида ишлаш;
- клиник компьютер ўқув симуляцион дастурларида ишлаш;
- адабиёт билан мустақил ишлаш орқали баъзи билимларни ўзлаштириш;
- мавзу бўйича реферат ва презентация тайёрлаш;
- тезис ва мақолалар тайёрлаш;
- график органайзерлар, кроссвордлар, вазиятли топшириқлар, бошқаларни ишлаб чиқиш ва ҳал қилиш;

- видеопрезентациялар, видеороликлар тайёрлаш ва уларни иш жараёнида қўллаш.
- клиник ва муаммога йўналтирилган ва далилларга асосланган вазиятли муаммоларни, ишларни ва бошқаларни ҳал қилиш бўйича ишлар.

#### **4.3. Мустақил таълим ва мустақил ишларни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:**

Модул бўйича мустақил иш аудитория ва аудиториядан ташқари ўтказилади.

Клиник ординатор (резидент) мустақил ишини ташкил этишда қўйидаги шакллардан фойдаланилади:

- аудитория машғулотларидан ташқари тренажер, муляж ва симуляцион залларида/марказларида тасдиқланган амалий кўникмаларни педагог назоратида сон ва сифат жиҳатдан бажариш ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш дафтарларида акс эттириш;
- тиббиёт ОТМ клиникалари ва клиник ўқув базаларида аудиториядан ташқари ташкиллаштирилган клиник навбатчиликда тасдиқланган амалий кўникмаларни навбатчи шифокор-педагог назоратида сон ва сифат жиҳатдан бажариш ва навбатчилик дафтарларида акс эттириш;
- беморлар курациясида даволовчи ёки навбатчи шифокор билан назорат қилишда иштирок этиш;
- аҳоли орасида санитар оқартув ишларни суҳбат ва маърузаларни ўтказиш;
- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;
- модулнинг (фаннинг) бўлимлари ёки мавзулари устида махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича ишлаш ва маърузалар қилиш;
- вазиятли ва клиник муаммоларга йўналтирилган вазиятли масалалар ечиш;
- CASE (реал клиник вазиятлар ва клиник вазиятли масалалар асосида case-study) ечиш;
- моделлар ясаш, кроссвордлар тузиш, органайзерлар тузиш ва ҳ.к.

#### **5. Ишлаб чиқариш (малака) амалиётини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар.**

Ўқув йили давомида олинган билим, кўникма ва компетенцияларни такомиллаштириш, мустаҳкамлаш ва юқори даражага етказиш мақсадида ишлаб чиқариш (малака) амалиёти мутахассисликга доир марказ, бўлим, ташкилот ва ҳ.к. ташкил этилади. Амалиёт ўташ объекти сифатида, қўйилган вазифаларни бажаришга етарли материал-техник базага ва юқори малакали устозларга эга бўлган амалиёт базаси белгиланади. Клиник ординатор (резидент)лар ишлаб чиқариш (малака) амалиёти ўқишнинг мустақил таълим қисмига киради. Ишлаб чиқариш (малака) амалиёти даврида клиник ординатор

(резидент) кунма-кун ишлаб чиқариш (малака) амалиёти, тасдиқланган шаклдаги, кундалигини тўлдириб боради. Амалиёт раҳбари томонидан ҳар бир амалиёт куни даврида бажарилган ишлар ҳажми баҳоланади ва кундалик имзоланади. Амалиёт кундалигидаги маълумотлар клиник ординатор (резидент)нинг амалий кўникма ва компетенцияларга эга бўлганлик даражаси ҳақида маълумот беради. Ишлаб чиқариш (малака) амалиёти тугагандан сўнг амалиёт кундалиги охирида амалиётга жавобгар шахс томонидан клиник ординатор (резидент)нинг иши баҳоланади ва унга тавсифнома ёзилади, у муассаса муҳри билан тасдиқланади ва амалиёт кундалиги таълим муассасасига топширилади. Агар бажарилган ишни ифода этган кундалик топширилмаса, амалиёт ўтилмаган деб ҳисобланади. Ишлаб чиқариш (малака) амалиётни якуний баҳолашни тузилган комиссия амалга оширади. Комиссия аъзолари таълим муассасаси ва амалиёт ўтган муассаса ҳодимларидан, таълим муассасаси раҳбари томонидан буйруқ асосида тузилади. Ишлаб чиқариш (малака) амалиётнинг якуний баҳолаш натижалари комиссия томонидан қайднома варақасига киритилади ва мутахассисликга жавобгар кафедра (бўлим, лаборатория ва ҳ.к.) ходими томонидан клиник ординатор (резидентнинг) рейтинг дафтарчасига тўлдирилади. Амалиётни (сабабли, сабабсиз) бажармаган клиник ординатор (резидент)лар якуний баҳолашга киритилмайди ва академик қарздор сифатида, муаммолари клиник ординатура (резидентура) бўлими ва таълим муассасаси раҳбарияти томонидан кўриб чиқилади ва индивидуал қарор қабул қилинади.

## **6. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари**

### **6.1. Асосий адабиётлар:**

Tricia Lacy Gomella with M. Douglas Cunningham and Fabien G. Eyal  
NEONATOLOGY Management. Procedures, On-Call Problems, diseases, and  
drugs 2013. P.147-149, 580-583, 758-759,824-825

### **6.2. Қўшимча адабиётлар:**

#### **Мамлакатимиз манбаалари:**

1. «COVID-19 билан касалланган беморларни даволаш бўйича вақтинчалик кўрсатмалар» УзР ССВ. 2020й.
2. Акушерлик амалиётда биринчи ёрдам. Неонатологлар учун ўқув қўлланма ЖССТ, 2004 й.
3. Даминов Т.А. ВИЧ – инфекция. Ўқув қўлланма. Тошкент. 2011 й.
4. Камиллов А.И., Соғлом ва бемор янги туғилган чақалоқларнинг асосий парвариши. Неонатологлар учун ўқув қўлланма. Тошкент. 2007 й.
5. Меёрий хужжатлар: Вазирлар маҳкамасининг Соғлиқни Сақлашга тегишли қарорлари, ЎзРССВ буйруқлари. № 2650. 4947. 3071.

6. Раҳманкулова З.Ж., Исмаилова М.А. Янги туғилган чақалоқлар касалликлари. Неонатологлар учун ўқув қўлланма. Тошкент. 2018 й.
7. Раҳманкулова З.Ж., Камалов З.С., Арипова Т.У. Янги туғилган чақалоқларда ҳомила ичи инфекцияси. Монография. Тошкент. 2016 й.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги ПҚ-2956-сонли “Тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590 сонли “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310 сонли “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора –тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелдаги ПҚ-4666 сонли “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 20 апрелдаги ПФ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
13. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, 1998.
14. “ Протокол лечения госпитализированных с диагнозом COVID-19”Рекомендации были подготовлены группой COVID отделения инфекционных болезней Медицинского центра университета Любляны (УКС Ljubljana) . 2020 г.

### **Хорижий манбаалари:**

1. Белоусова Т.В., Андрюшина И.В., Нуждин А.И. Неонатологияда амалий қўлланма. Новосибирск, 2007 г.
2. Володин Н.Н., Байбарин Е.Н., Буслаева Г.Н., Дегтярев Д.Н. Неонатология. Миллий қўлланма. Москва. 2008 г. Рамн Н.Н. Володин, Москва. Тиббий адабиётлар. 2011г.
3. .Володина Н.Н., Чернышова В.Н., Дегтярёва Д.Н. ва б. Неонатология: олий ўқув юртларидаги клиник ординаторлар учун ўқув қўлланма. М.: Нашриёт маркази, Академия. 2005 г.
4. Рамн Г.Т. Сухих. Янги туғилган чақалоқларга асосий ёрдам – халқаро тажриба. Москва. 2008 г.
5. Рооз. Р., О. Генцель-Боровичени., Г. Неонатологияга оид амалий тавсиялар.
6. Яцык Г.В. Неонатология бўйича амалий қўлланма – М.: Москва. Тиббий ахборот агентлиги. 2008 г.

### **6.3. Интернет сайтлари:**

1. <http://www.medicalstud.ru/med-ge>

2. <http://www.pharmamed.ru/mg>
3. <http://www.rmj.net> <http://www.eurasiahealth.org/attaches/80/8064/225.doc>
4. <http://www.eurasiahealth.org/attaches/85/8545/677.doc>
5. [http://www.ahrq.gov/http://www.ahrq.gov/hidden menu](http://www.ahrq.gov/http://www.ahrq.gov/hiddenmenu)
6. <http://www.firstgov.gov/http://www.firstgov.gov/>
7. <http://www.avsc.org>
8. <http://www.rcog.org.uk/medical/greentopguide.html>
9. [www.mediasphera.aha.ru/pediatr/ped-mn.htm](http://www.mediasphera.aha.ru/pediatr/ped-mn.htm)
10. [www. Ziyo. Net](http://www.ziyo.net)
11. [www.MedPortal.ru](http://www.MedPortal.ru)
12. [www.evrika.ru](http://www.evrika.ru)
13. [www.Med-edu.ru](http://www.Med-edu.ru)
14. [www.med-info.ru](http://www.med-info.ru)
15. [www.medagent.ru](http://www.medagent.ru)
16. [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)
17. [www.journals.medi.ru](http://www.journals.medi.ru)
18. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)

**Журналларнинг электрон нусхаси:**

1. «Consilium medicum» - <http://www.consilium-medicum.com/media/consilium>
2. «Вестник доказательной медицины» <http://www.evidence-update.ru/>
3. «Врач» - <http://www.rusvrach.ru/journals/vrach>
4. «Русский медицинский журнал» - <http://www.rmj.ru>
5. «Трудный пациент» - <http://www.t-pacient.ru>